

**“МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИ МУАЛЛИФИ МУҲАММАД
ҲАКИМХОН АМИР ШОҲМУРОД ҲАҚИДА**

Абдукаримов Жамолиддин Ахмадалиевич, тарих фанлари номзоди,
Академик Бобожон Гафуров номли Хужанд давлат университети доценти, тел:
+992 928320779

Абдукаримов Джамолиддин Ахмадалиевич, кандидат исторических
наук, доцент Худжандского государственного университета имени академика
Бобожона Гафурова, телефон: +992 928320779

Abdulkarimov Jamoliddin Akhmadalievich, Candidate of Historical Sciences,
Associate Professor of Academician Bobozhon Gafurov Khujand State University,
tel: +992 928320779

Аннотация: В статье анализируются сведения Мухаммад Хаким-хана, автора произведения «Мунтахаб ат-таварих», о правителе Бухары Амире Шахмураде. В статье подчеркивается, что труд «Мунтахаб ат-таварих» является редким историческим трудом, имеющим первостепенное значение в изучении истории династии Мангидов, правившей Бухарским эмиратом, и что содержащиеся в нем сведения, не встречающиеся в других исторических трудах, имеют большое научное значение для раскрытия новых, еще не изученных сторон личности и правления Эмира Шахмурада.

Ключевые слова: Мухаммад Хакимхон, Мунтахаб ат-таварих, эмир Шахмурад, Бухарский эмират, Кокандское ханства, Худжанд, Самарканд.

Annotation: The article analyzes the information of Muhammad Hakim Khan, the author of the work “Muntakhab at-tavarikh”, about the ruler of Bukhara Amir Shahmurad. The article emphasizes that the work "Muntakhab at-tavarikh" is a rare historical work of primary importance in the study of the history of the Mangid dynasty that ruled the Bukhara Emirate, and that the information contained in it, not found in other historical works, is of great scientific importance for revealing new, not yet studied aspects of the personality and reign of Emir Shahmurad.

Keywords: Muhammad Hakimkhon, Muntahab at-tawarikh, Emir Shahmurad, Bukhara Emirate, Kokand Khanate, Khujand, Samarkand.

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” номли асари Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид нодир манба ҳисобланади. Мазкур асар беш боб, ўн икки тоифадан (фаслдан) иборат бўлиб, унинг хронологик ҳудуди “оламнинг яратилишидан” то XIX асрнинг 40-чи йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Асарнинг бешинчи боби ўн биринчи тоифаси Бухорода ҳукмронлик қилган Манғитлар сулоласи тарихига бағишланиб, амирликнинг XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган муҳим сиёсий, ҳарбий, иқтисодий вазъияти ўз аксини топган.

Муҳаммад Ҳакимхон ўз асарини яратишда турли тарихий, адабий характерга эга бўлган адабиётлардан фойдаланган. “Мунтахаб ат- таворих”да Х-ХІХ яшаган 30 га яқин манбалар муаллифи ва тақрибан 20 та шоирлар номлари зикр қилинган. “Мунтахаб ат- таворих”да мемуар характерга эга бўлган маълумотлардан ҳам кенг фойдаланилган. Муҳаммад Ҳакимхон томонидан зикр қилинган Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига оид бир қатор далиллар отаси Маъсумхон, Султонхон эшон ва асарда номи қайд этилган , тарихий воқеалар шоҳиди бўлган кишилар номидан келтирилган.

Бухоро амирлиги тарихини тасвирлаш жараёнида Муҳаммад Ҳакимхон турли расмий мансабдорлар, жумладан амир Насрулло саройида нуфузли мансабдор шахслардан бири бўлган нақиб Эшон Тўра Ҳожи маълумотларидан фойдаланган. Бундан ташқари “Мунтахаб ат- таворих”да Бухоро амирлигининг ХVІІІ асрнинг охири ва ХІХ бошларига оид воқеалар тафсилоти Техронда яшовчи, Эрон шоҳи Фатҳалишоҳнинг набирасига уйланган, амирликда кечаётган воқеалардан доим хабардор бўлган, амир Шохмуроднинг (1785- 1800) ўғли Динносир хабари асосида баён этилган [8, 18].

Таъкидлаш жоизки, “Мунтахаб ат- таворих”да муаллифнинг шахсий хотиралари муҳим ўринни эгаллайди. Муҳаммад Ҳакимхоннинг 1828- 1842 йиллар Бухоро амирлиги ҳудудида бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги маълумотлари тарихий қимматга эгаллиги шубҳасиз. Чунки, бу даврда Муҳаммад Ҳакимхон доимий шу ерда яшаб, ўзининг нодир асари “Мунтахаб ат- таворих”ни ёзган [8, 6-7].

Бухоро амирлиги тарихига оид манбаларда, илмий татқиқотларда амир Шохмурод ҳукмронлик даври кенг ўрганилган. Ақилли ва фаросатли бўлган Шохмурод даврида ҳокимият анча мустаҳкамланади. Отаси ҳукмронлиги даврида давлат идораси тепасида турган юқори лавозимдаги амалдорларини ўз қуллари билан қатл эттиради [9, 77].

П.П. Ивановнинг таъкидлашича Амир Шохмурод фаёлиятининг илк йилларида Эрон шоҳи Нодиршоҳ афшорнинг ҳарбий юришлари натижасида босиб олинган Амударёнинг чап соҳилидаги мулкларни қайта қўлга киритиб, амирликка бўйсиндирилади. Бухоро амирлигига маркази Марв бўлган ҳозирги Туркманистоннинг йирик ҳудудлари ҳам киритилди [4, 46].

Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаган Амир Шохмурод ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўзгаришларни амалга оширади. Унинг ҳукмронлиги даврида молиявий, маъмурий, қози ҳакамлар ва ҳарбий соҳаларида ислохотлар тадбиқ этилди. Ўрта Осиё давлатларига таҳдид қилувчи ва ўша вақтда сиёсий жиҳатдан бирмунча заифлашган Эрон давлатига ҳарбий юришларни амалга оширди. 1789-1790 йилларда Марвда ҳукмронлик қилаётган эронлик Байрамалига қарши курашиб, ўзига бўйсиндирди ва 30 мингдан (айрим манбаларда юз минг) ошиқ

марвлик шиа мазҳабидагиларни Бухорова Самарқандга кўчирди. Бундан ташқари амир Шохмурод Аҳмадшоҳ Дурроний (1747-1773) даврида босиб олинган Балх, Маймана, Андхуд мулклари учун афғон ҳукрдори Темуршоҳ (1773-1793) билан кураш олиб борди ва натижада сулҳ шартномаси имзоланди [6, 123-124].

Муҳаммад Ҳакимхон асарида Манғитлар сулоласининг машҳур вакили амир Шохмуроднинг шахсияти, инсоний фазилатлари, амалга оширган ислохотлари ҳақида бошқа тарихий манбаларда учрамайдиган нодир маълумотларни келтиради.

Амир Шохмурод ҳукмдор бўлишига қарамай оддий турмуш тарзини маъқул билар, ўзи учун кундалик харажати бир тангадан ошмаган, еб ичиши оддий бўлган, ўз шарафига турли дабдабали тадбирлар уюштиришга йул қўймаган. Шунинг учун ҳам оддий халқ уни “амири маъсум” яъни “беғуноҳ амир” деб аташган.

Муҳаммад Ҳакимхон амир Шохмуроднинг шахсий ҳаёти ва фазилатлари ҳақида қуйдаги маълумотларни келтиради: “Алқисса, Шохмуродбий валнаъми Бухорога етгач, бир неча кун йўл хордиғини ёзиб дам олиб, давлат юмишлари ва халқнинг арзу додини сўраш ишлари билан машғул бўлди. Айтишларича, байт-ул-мол, яъни давлат хизинасидан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун бир фулус ҳам харж қилмас экан. Кийим-кечак, еб-ичиш бўйича қандай чиқим бўлса, барчаси мамлакатдаги ғайридин аҳоличидан ундириладиган жизя солиғи қисобидан амалга ошаркан. Айтибдиларки, бир гал Самарқандга келганида бир неча кун ўша вилоятда қолиб кетибди, сарфлайдиган харажат пули тугабди ва бисотида битта пўстинидан бўлак бирон нарсаси қолмабди. Ноилож, ўша пўстинини сотиш учун бозорга бериб юборибди. Пўстиннинг харидори топилмабди. Ниҳоят, деярли текин баҳода, аниқроғи, ярим дирҳамга сотиб қайтишга мажбур бўлишибди. Сотиб олган харидор камбағал бир мулло киши бўлиб, эртаси куни пўстинни қайтариб олиб келиб, “пўстиннинг айби бор экан, савдони бекор қиламан, олмайман”, дебди. Шохмуродбий валнаъми “нима айби бор экан?” деб сўрабди. Ҳалиги одам “бутун дунёнинг бити шу пўстин ичига йиғилган экан. Кечаси танимда бир мисқол ҳам эт қолмаслигига сал қолди” дебди. Мулло бу пўстиннинг Шохмуродбийга тегишли эканидан хабари йўқ экан. Валнаъми роса қотиб кулибди ва ниҳояти, иккаласи ҳам қози ҳузурида чўкка ўтириб, қози ҳукмини сўрашибди. Қози ярим танга арзон тушириб, пўстинни муллога сотиш бўйича қарор чиқармоқчи бўлибди. Аммо, мулло бунга кўнмабди ва “бу пўстиндан безор бўлганман, бир фусусга ҳам олмайман, пулимни қайтаринг” дея оёқ тираб олибди. Валнаъми эса олишини сўрайверибди. Чунки пўстиндан қўлга киритган кечаги икки тангани ишлатиб бўлган, ёнида муллога қайтариб бериш учун бошқа пули йўқ экан. Хуллас, анча

тортишувлардан сўнг мулло рози бўлибди ва валнаъми можародан кутилибди. Айтишларича, Эрон юришидан қайтаётган маҳал бисотида бирон танга пул қолмаган бўлиб, Бухорога яқин ерда қорни очиқибди ва доимгидек, сўфийлар равиши бўйича, ҳалолдан луқма ейишга одатланган валнаъми оёғидаги жуфт ковушни ечиб, баққолга берибди ва эвазиги бирор егулик олиб, тановул қилибди. Бухорога эса оёғида ковушсиз кириб борибди. Шохмуродбийнинг ейдиган таомлари ҳам киши ейдиган даражада бўлмай ўт-ўлан ва сут-қатиқ, сузма ва дуккаклиларнинг ҳаммасини бирга аралаштириб, аталага ўхшаш бир нима пиширтириб ер экан. Бошқа овқатларга қиё ҳам боқмас экан [8, 44-45].

Амир Шохмуроднинг амалга оширган ислохотлари ва қўлга киритган муваффақиятлари ака-укалар ўртасида душманлик муносибатларини вужудга келишига олиб келди. С. Айнийнинг таъкидлашича Амир Шохмурод ибн Дониёл атолиқ манғитларнинг учинчи амири ҳисобланади. Дониёлбий атолиқнинг Маъсум, Маҳмуд, Умар, Фазл, Султонмурод, Рустам, Кенжаали, Ёқуб, Туктамиш, Дарвеш ва Ражабали ном ўн бир ўғли бўлишига қарамай Дониёлбийнинг васиятига кўра Шохмурод ҳокимият теппасига келди [1, 14].

Муҳаммад Ҳакимхон амир Шохмуродга нисбатан муваффақиятсиз амалга оширилган суиқасд ҳақида қуйдаги маълумотни келтиради: “Айтишларича, инилари унга нисбатан хоинлик йўлидани тутибдилар ва акасини ўлдириш мақсадида икки нафар баттол номусулмонга кўп нарсалар ваъда қилиб, уларни аёллар қиёфасида Аркка юборибдилар. Ул таррор (фирибгар, каззоб, алдоқчи) ҳаромилар бир йўл билан ҳарам ичкарасига кириб олишибди ва сарой аҳли юриш-турушдан тинчигач, ул икки ит сийрат Шохмурод валнаъми ухбал ётган жойига келиб, дуч келган ерига пичоқ ура бошлабди ва шу зайл тани-баданини илма-тешиқ қилиб, яралашибди. Аммо, ҳазрати вожиби таолонинг ўзи қаровчию, сақловчи бўлса ва қазо етмаган эса қиоич ҳам иш бермайди, деганларидек, валнаъми тирик қолибди. Қонхўрлар ишни биткизган ҳисоблаб, топширик берган мирлар ёнига қайтиб келишибди ва Бухоро салтанати қўлга киргани билан табриклашибди. Мирлар эса “валнаъмининг боши қани?” дея сўрашибди. Жаллодлар “минг жонидан биттаси ҳам қутулмади, бошини сўраб нима қиласиз”, дейишибди. Мирлар орасидан Султонмурод кушбеги эса “буларнинг иши хом бўлиб чиқмаса гўрга эди” дея ташвиш билдирибди. ... Бирор фурсатдан сўнг валнаъми кўзини очибди ва “душманлар менинг ишимни бир ёқлик қилишда сизлар эса бир бало қилиб, мени пахтага ғранг ва ташқарига олиб чиқинг, одамлар менинг тириклигимни кришсин, бўлмаса иш қўлдан чиқади”, дебди. Сарой аҳли буйруқни у айтгандек қилиб бажаришди ва тонг отгач, бу хабар бутун шаҳар бўйлаб ёйилди. Бу қабих ишни қилган инилар эса валнаъмининг соғ-омонлигини билиб, чуқур ўй гирдобига ботишди. Шохмуродбий укалари олдига дам юбориб, шундай деб айттирди: “Сизлар

пасткаш бир дунё учун ундан ҳам пасткашроқ ишга қўл урдингиз. Аммо, биз бундай разилликни қилмаймиз, балки шавқат ва марҳаматни афзал биламиз. Кўнглингизга бирон ёмон фикр ва гумон келиб ўтирмасин”. Укалари валнаъмининг бу сўзларини эшитгач, ўзларининг Бухорода қолишини ор-номус юзасидан эп кўрмай, ҳар бири бир тарафга бош олиб кетишди. Чунончи, Султонмурод қушбеги ҳаж иродасини қилиб, йўлда оламдан ўтди. Маҳмудбий Хўканд сари йўл олди” [8, 45-46].

Мунтахаб ат-таворих” асари муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон амир Шохмуроднинг вафоти сабабини унинг Хужандга амалга оширган навбатдаги ҳарбий юриши билан боғлаб шундай маълумотни келтиради: “Шохмуродбий бошига яна Хўжандни босиб олиш ҳою – ҳаваси тушиб, катта қўшин билан вилоят келинчаги томон йўналди. Бир неча масофани босиб ўтгач, ул шаҳарни узукнинг қошидек ўртага олди. Худоёрбийнинг тўнғич ўғли Бекмуродбий ўқу туфанг отишга машғул бўлди. Уч кундан сўнг Шохмуродбий Хўканд томондан ваҳимага тушиб, қайтиб кетди. Аммо, Хўжанднинг хосу оми ва қишлоқларини талон – торож қилиб, аҳолисини Самарқандга кўчириб кетди. Тун ярмидан оққанда эса Шохмуродбий у ердан ҳам кўчиб, Жиззахга келди. Унинг олдида машъаллар ёқиб боришарди. Шохмуродбий Хўжанддан кўчириб келтирган одамларини Самарқандда жойлаштирди ва уларни Самарқандни обод қилиш ишларига буюрди. Ўзи эса Бухоро томонга қайтди. Бу сўфи сифат амирнинг кароматли ва одатдан ташқари ишларидан бири шу бўлдики, ўша Хўжанд сафаридан қайтишда касалга чалингач, кўрган одамига қараб “бизнинг ишимизни валийлар султони Муслиҳиддин Хўжандий (Муслиҳиддин Хужандий- XIII асрда яшаган шайх ва олим. Мақбараси Хужанд шаҳрида жойлашган. Унинг қабри халқ ва ҳукмдорлар томонидан жуда қадрланган. Амир Темур 1390-1391 йиллари Тўхтамишга қарши қўшин тортганда, қиш фаслида Хужандга бориб, шайх мақбарасини зиёрат қилиб, 10 минг диноҳ нарзу ниёз берган) бир ёқлик қилди. Тағин худо билади-ю, бу касалдан тузалмасам керак”, деган экан. Иттифоқан, бир неча кундан сўнг борлиқ этагини бу нопойдор хокдондан йиғиштириб, юзини охират томон қаратди ва ўша бир минг икки юз ўн иккинчи йили (1800) ҳақнинг чақирув хитобига “лаббайка” дея жавоб берди” [8, 47-48].

Хулоса, Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат- таворих” асари Бухоро амирлигида ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласи тарихини ўрганишда бирламчи нодир таърихий асар ҳисобланади.

Асар муаллифи Муҳаммад Ҳакимхоннинг бошқа тарихий асарларда учрамайдиган маълумотлари амир Шохмуроднинг шахсияти, ҳукмронлик даврига оид янги, ҳали ўрганилмаган жиҳатларини очишда, жуда катта илмий аҳамиятга эгадир.

Адабиёт:

1. Айни Садриддин. Таърихи амирони мангитияи Бухоро. // Куллийёт. Ҷилди 10. –Душанбе, 1966.- С.5-191.
2. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI- середина XIX вв.). –М., 1958. –247 с.
3. История народов Узбекистана. Т.II. / Под.ред. С.В. Бахрушина, В.Я. Непомнина, В.А. Шишкина. –Ташкент,1947.- 512 с.
4. История Узбекистана. Том III. (XVI – первая половина XIX века) – Ташкент, 1993. – 476 с.
5. Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат- таворих.- Форс- тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.- 750 бет.
6. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллоев Ў. Ватан тарихи. XVI-XIX аср бошлари.- Иккинчи китоб.- Тошкент, 2003.- 352 б.